O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№85 (838) 2024 йил 15 октябрь, сешанба
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЗАМОНАВИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАЯНЧИГА АЙЛАНАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни бунёдкорлик ишлари, аҳоли ҳаёти ва янги лойиҳалар билан танишиш мақсадида Тошкент вилоятининг қатор туманларида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент туманига ташриф буюрди.

Илгари бу ернинг маркази йўқ эди. Келес йўли кўчаси бўйлаб янги бино ва мажмуалар қад кўтаргач, ҳудуднинг қиёфаси тамоман ўзгарди. Хусусан, ушбу бош кўча кенгайтирилган ҳолда қайта қурилди. Унинг икки тарафида Давлат хизматлари маркази, Ёшлар маркази, маданият саройи, амфитеатр, универсал спорт мажмуаси, хотира майдони ва сайилгоҳ каби кўркам иншоотлар барпо этилди.

Эски, пастқам уйлар ўрнида 41 та кўп қаватли турар жой қурилди. Энди улардаги 2 минг 536 та хонадонда 11 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бу уйларнинг ертўла ва биринчи қаватида савдо, умумий овқатланиш, маиший ва молиявий хизматлар бўйича 270 та шохобча ташкил қилинмоқда. Уларда 1 минг 350 киши, жумладан, шу ерлик ёшлар ва аёллар ишли бўлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Реновация лойиҳасида ижтимоий инфратузилмага катта эътибор қаратилди. Марказий шифохона, туманлараро перинатал марказ, болалар боғчаси, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази, туман тарихи музейи ишга туширилди. Ўзгаришлар фақатгина туман марказида эмас. Ҳудудда яқин-яқингача ичимлик суви муаммо эди. Осиё тараққиёти банки маблағлари ҳисобидан 4 та ҳавза қурилиб, 365 километр қувур тортилди. Натижада 36 та маҳалла аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Охирги уч йилда туманда 218 километр ички йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилди. Бундай ишлар яна давом этмоқда.

Шу ерда Тошкент туманида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш масалалари юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботи эшитилди. Жорий йилнинг 6 ойида туман иқтисодиёти 23 фоиз ўсган. Янги қурилишлар ва улардаги корхоналар негизида солиқ манбаси кўпайган. Тошкент туманида 70 та маҳалла, 62 мингта оила бор. Аҳволи оғир бўлган 372 та оилага кўмаклашиш учун масъуллар бириктирилиб чоралар белгиланган.

Режадаги лойиҳалар, бандлик ҳамда тадбиркорлик дастурлари доирасида йил якунига қадар 34 минг 443 та иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Президент хонадонлардаги имкониятларни юзага чиқариш, тадбиркорларнинг камбағал оила вакилларини ишга олишини рағбатлантириш бўйича топшириқлар берди.











Суратлар president.uz сайтидан олинди.

– Тошкент тумани пойтахтимизнинг ёнгинасида. Бу ерда уй-жой, ишлаб чиқариш, тижорат, хизмат бўйича жуда катта имкониятлар бор. Иш тўғри ташкил қилинса, ўзи бу туманда камбағалчилик бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун иқтисодий комплексга, маҳаллаларга бераётган имкониятлардан фойдаланиб, камбағалликдан фаровонлик сари юриш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент туманида йил якуни билан қарийб 53 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига саноатда ўсиш суръати 9 фоиз, хизмат кўрсатишда 13 фоиз бўлиши кутилмоқда. Экспорт ҳажмини 100 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Зангиота туманидаги "Technologies of real time" Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонасига борди.

Автомобилсозлик мамлакатимиз саноатида йирик тармоқ. Сўнгги йилларда автомобиль ишлаб чиқариш қарийб 3 баробар кўпайиб, жорий йил якунида 460 минг донага етиши кутилмоқда. 2030 йилгача бу кўрсаткични 1 миллионтага етказиш режалаштирилган.

Соҳада монополияни йўқ қилиш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида 2 та янги хусусий корхона ва нуфузли хорижий брендлар жалб этилди. Умуман, бугун 20 дан зиёд заводда ўнлаб турдаги автомобиллар, юк ва йўловчи ташиш транспортлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шу боис тармоқда эҳтиёт қисмларга ҳам талаб кўп. Бу борада 300 дан зиёд корхона яхлит кооперацияга боғланган. Зангиотадаги "Technologies of real time" шулардан бири.

Президент 2019 йилда "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган халқаро саноат ярмаркасида мазкур корхона маҳсулотлари билан танишиб, зарур кўрсатмалар берган эди. Шу асосида модернизация ишлари амалга оширилди. Корхонадаги 12 та цехга Хитой, Россия, Корея Республикаси, Япония ва АҚШдан келтирилган ускуналар ўрнатилди. Бугунги кунда 118 хил русумдаги автомобилларнинг юриш, трансмиссия ва бошқарув тизимлари учун 750 дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

– Кўп деталлар маҳаллийлаштирилгани ҳозирча маъқул. Мутахассислар зўр бўлса, сифат ҳам, экспорт ҳам ошади, – деди Президент.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга корхонада эҳтиёт қисмлар қаторини кенгайтириш бўйича топшириқ берилди.

Бу ерда 220 та иш ўрни яратилган. Ходимлар корхонада йўлга қўйилган мономарказда ўқитилиб, ишга қабул қилинади. Маҳсулотлар буюртма асосида Ўзбекистон бўйлаб етказиб берилади. Хусусан, "Uzauto Motors"нинг Хоразм вилоятидаги заводига "Damas" ва "Labo" автомобиллари учун 773 минг дона эҳтиёт қисмлар етказиб берилган.

Товарларни техник текширув ва синовлардан ўтказиш учун замонавий лаборатория ташкил этилган. Корхона маҳсулотлари IATF 16949:2016, ISO 9001:2015, ISO 45001:2020 ҳамда "General Motors"нинг BIQ халқаро сифат сертификатларига эга.

Шу боис уларга хорижда ҳам талаб бор. Хусусан, ўтган йили Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Россия, Украина, Бирлашган Араб Амирликларига 3 миллион долларлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилган. Жорий йилнинг тўққиз ойида 2 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинган.

Шунингдек, корхона Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой ва Россияда бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари заводдаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, мутахассислар билан мулоқот қилди. Корхона шоурумида тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Шу ерда келгуси режалар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, 2025 йилда 1,15 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Натижада BYD, Chery, Changan, Geely, Dongfeng каби янги автомобиль брендлари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Лойиҳа самарасида 43 та янги иш ўрни яратилади, ишлаб чиқариш қувватлари 180 мингдан, 280 минг донага етказилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Янгийўл туманидаги "Тинчлик" кичик саноат зонасида бўлиб, қатор корхоналар фаолияти билан танишди.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда бу каби мажмуаларнинг аҳамияти катта. Мазкур саноат зонаси тўрт йил олдин ўттиз олти гектар майдонда ташкил этилган эди. Муҳандислик инфратузилмаси, ички йўллар ва бинолар қурилиб, ишлаб чиқариш учун қулай шароит яратилди.

▶ 2-бет

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

## Андижондаги объектлар кўздан кечирилди

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-32-сонли фармонига мувофиқ, республика бўйлаб 52 та ҳудудда "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ишлари бошланган. Хусусан, Андижон вилояти Асака ва Шаҳрихон туманларида ҳам "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш бўйича ишлар қизғин давом этмоқда.**



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Асака туманида бунёд этилаётган массивдаги қурилиш ишлари билан яқиндан танишди ва бино-иншоотларнинг сифати, соҳадаги меъёр, қоидаларга амал қилиниш ҳолатларини ўрганди. Жараёнда қурувчи ташкилот раҳбарлари ҳамда мутасаддиларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Т. Алиматов бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили Асака туманидаги 57-сонли мактабга қўшимча равишда қурилаётган 660 ўринли 4 қаватдан иборат ўқув биноси бўлди. Мазкур объектда қурилиш маданияти ҳамда хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилинмаётгани вазир ўринбосари томонидан кескин танқид қилинди. Бир сўз билан айтганда, объектда техник ва муаллифлик назоратига масъул мутахассислар фаолияти қониқарсиз деб баҳоланди. Мутасаддиларга камчиликларни тезда бартараф этиб, бино қурилишини сифатли қилиб якунлаш талаби қўйилди.

Вазир ўринбосари Андижон вилоятидаги ижтимоий соҳа объектларини ҳам ўрганди. Хусусан, "Андижон лойиҳа қидирув экспедицияси" МЧЖ лойиҳаси асосида, пудратчи "ИДЕАЛ СТРОЙ" МЧЖ томонидан реконструкция қилинаётган Асака тумани "Дўрмон" МФЙдаги 13-сонли МТТ биноси кўздан кечирилди. Айни кунларда бу ерда пардозлаш ишлари якунланган ва ҳудудда ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Шунингдек, 9 та ташқи айвончалар қуриб битказилган бўлиб, кириш йўлакларига бетон қуйиш ишлари бажарилмоқда.

Ўрганиш ишлари давом этмоқда.

## Халқаро "Йил стандартчиси" мукофоти қўлга киритилди

**Россия Федерациясининг Санкт Петербург шаҳрида 5-Халқаро Технологиялар Форуми ўтказилди. Унда вазирлик ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бошқарма бошлиғи Абдурауф Султонхонов иштирок этиб, "Йил стандартчиси" мукофотини қўлга киритди.**



Форум давомида Қурилиш давлатлараро техник қўмитаси масъул котиби Сергей Хвоинский ҳамда Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи қурилиш материаллари уюшмаси лойиҳа бошлиғи Лариса Ляховецкаялар билан учрашув ташкил этилди. Тадбирлар давомида халқаро миқёсда ишлаб чиқилаётган қурилиш материаллари ва буюмлари хавфсизлигига доир техник регламент лойиҳаси ҳамда миллий қурилиш материаллари учун халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича ҳамкорликда ишлаш юзасидан келишиб олинди.

## 20 га яқин мурожаат ҳал этилди

**Вазир ўринбосари Озода Жўраева иштирокида жисмоний ва юридик шахсларнинг коммунал соҳага оид мурожаатлари қабул қилинди. Унда Тошкент шаҳрининг аксарият туманлари, шунингдек, Фарғона ва Жиззах вилоятларидан келган юртдошларимизнинг 20 га яқин мурожаатлари тингланди.**



Хусусан, бошқарув ташкилотини ўзгартириш, асоссиз қарздорлик, биллинг тизими ҳамда назорат инспекторлари фаолиятидан норозилик каби масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув органлари мулкдорларнинг катта миқдордаги қарздорлиги бўла туриб, уйни таъмирлаш бўйича талаблар қўяётгани, бу эса ўртада қатор тушунмовчиликлар келтириб чиқараётгани айтилди. Бунга жавобан вазир ўринбосари уйнинг техник ҳолатини яхшилашдан, энг аввало, аҳоли манфаатдор эканини таъкидлади.

Қабул давомида 20 га яқин мурожаатнинг 15 тасига ижобий ечим берилди. Битта мурожаат юзасидан инспекциянинг назорат тадбири ўтказилиши белгиланди. Қолган мурожаатлар жойига чиққан ҳолда ўрганиладиган бўлди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№85 (838) 2024 йил 15 октябрь

◀ 1-бет

# ЗАМОНАВИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАЯНЧИГА АЙЛАНАДИ

Бу ерга қурилиш материаллари, енгил саноат, озиқ-овқат тармоқларида ўн бешта лойиҳа жойлаштирилган. Шундан ўнтаси ишга туширилган. Уларда ўтган йили 295 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Жорий йил якунлари бўйича бу рақамни қарийб икки бараварга кўпайтириш мақсад қилинган. Ҳозирча бу корхоналарда 1 минг 500 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Барча лойиҳалар ишга тушса, бандлик яна ортади.

“Enter Steel” корхонасида металл конструкциялар, юқори босимга чидамли резервуарлар, юк кўтарувчи кранлар, бурғулаш ускуналари, пайвандлаш электродлари, металл эшик, электр қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ушбу лойиҳанинг қиймати 40 миллион доллар бўлиб, унга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йўналтирилган. Бу ерга Хитой, Япония, Россия, Туркия, Италия, Испания, Германия ва Нидерландия каби давлатлардан ускуналар келтирилган. Бу эса маҳсулотлар сифати ва иш унумдорлиги юқори бўлишига хизмат қилмоқда.

Корхонада жами 1 минг 500 кишини иш билан таъминлаш имкони бор. Зарур мутахассисларни тайёрлаш учун “Амалий мономарказ” ташкил этилган. Ўқув хоналари ва лабораториялар замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Таълим дастури эса Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг иш жараёнини кўздан кечирди, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

Мутасаддиларга корхона маҳсулотлари зарур бўлган тармоқлар билан кооперацияни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Тинчлик” кичик саноат зонаси Тошкент вилояти иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга. Бу ердаги корхоналарда маҳаллийлаштирилган, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Аҳоли ва иқтисодиёт ўсиши билан энергия манбаларига талаб кўпаймоқда. Масалан, сўнгги тўрт йилда Тошкент вилоятида электр истеъмоли 20 фоиз ошган. Бу борадаги танқисликни қоплаш мақсадида умумий қиймати 1,5 миллиард доллар, қуввати 805 мегаваттдан ортиқ бўлган 5 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бунда “яшил” энергетика манбаларига кенг ўрин берилган. “Тинчлик” кичик саноат зонасидаги “Enter Green Solar” корхонасида бунинг учун зарур қуёш панеллари ҳамда турли хил кабеллар ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбари саноат зонасига ташрифи чоғида мазкур лойиҳа билан ҳам танишди.

– Бундай юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналаримизни қўллаб-қувватлаб, фаолиятини кенгайтиришига янада кўпроқ шароит яратишимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Умумий қиймати 7 миллион доллар бўлган мазкур корхонага Италиянинг “Ecoprogetti” компанияси ускуналари ўрнатилган. Улар асосида йилига 377 минг дона юқори сифатли қуёш панели ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхонанинг ўзида ҳам қуввати 125 киловатт бўлган панеллар ўрнатилган. Бу ерда 100 киши меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Янгийўл туманидаги “Mesal Water Technologies” корхонасини кўздан кечирди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий дастурларда ичимлик суви ва оқова тармоқлари таъминотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масала тез ривожланаётган Тошкент вилояти шаҳарлари учун ҳам долзарб.

Хусусан, “Тошкент вилояти ичимлик суви ва оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳасининг 3-босқичи доирасида Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен ва Бекободдаги иншоотлар реконструкция қилинмоқда.

“Mesal Water Technologies” корхонасида шу каби сув тозалаш иншоотлари учун ўттиздан ортиқ махсус қурилма ва ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Лойиҳага 1,7 миллион доллар маблағ йўналтирилиб, Хитой, Германия ва Туркиядан келтирилган энергия тежамкор технологиялар ўрнатилган. Корхона халқаро сертификатларга эга. 50 киши иш билан таъминланган.

Бундай корхоналар фаолиятининг кенгайиши аҳоли фаровонлиги ва саломатлигига ҳисса қўшиши таъкидланди.

Тошкент вилояти пойтахтга яқинлиги, юртимиз воҳалари ва халқаро йўлларни бир-бирига боғлаши билан улкан иқтисодий салоҳиятга эга. Кейинги етти йилда ҳудудда қарийб 9,4 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 143 мингдан ортиқ иш ўрни ва 5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилган.

Бу суръатни давом эттириб, 2024-2026 йиллар учун жами 26 миллиард долларлик 125 та лойиҳа режалаштирилган. Уларнинг 21 таси стратегик, 52 таси тармоқ, 52 таси ҳудуд лойиҳаларидир. Бу ташаббуслар натижасида 42 мингта иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбарига умумий қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 11 лойиҳа тақдимот қилинди.

Уларга Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Саудия Арабистони, Россия, Озарбайжон каби мамлакатлар компаниялари ва маҳаллий тадбиркорлар инвестиция киритмоқда. Тўқимачилик, озиқ-овқат, тиббиёт, электротехника, энергетика, қурилиш материаллари, геология, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқлардаги бу лойиҳаларда 23 мингта иш ўрни яратилади.

Масалан, Зангиота туманида Жанубий Корея инвесторлари билан биргаликда жигар, бўғим, кўз ва мия фаолиятини даволашда қўлланиладиган дори воситалари ишлаб чиқариш ташкил этилади. У ерда 200 кишининг бандлиги таъминланади.

Президентимиз инвесторлар учун барча шароитларни яратиш, лойиҳаларнинг ҳар бир босқичини назорат қилиб, масалаларини ҳал этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Сўнг Янгийўл туманида Тошкент вилоятидаги муҳим лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга. Бу ҳудуд ва азим пойтахтимиз салоҳияти ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини тўлдириб келади.

Кейинги беш йилда Тошкент вилоятида саноат ҳажми 1,5 баробарга кўпайиб, 107 триллион сўмни ташкил этган, маҳаллий экспорт ҳажми 3,5 карра ошиб, қарийб 1 миллиард долларга етган.

Қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити сармоялар ҳажмини ошириш, илғор технологияларни жорий этишга хизмат қилмоқда. 2018 йилда вилоятда жами бўлиб 20 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу рақам 1 миллиард долларга етган. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони ҳам йил сайин ортиб, ҳозирда 1 минг 700 тани ташкил этмоқда.

Бугунги кунда 20 миллиард 360 миллион долларлик 91 та хорижий, 4 ярим миллиард долларлик 28 та маҳаллий инвестиция лойиҳалари бўйича иш олиб борилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев маросим доирасидаги лойиҳаларнинг аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Хусусан, Олмалиқ шаҳрида 1 миллиард доллар инвестиция ҳисобидан 227 гектар майдонда “Буюк ипак йўли” махсус саноат технопарки қурилади. У ерда электротехника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика каби йўналишларда 100 га яқин корхона жойлаштирилади. 3 мингта янги иш ўрни яратилиб, йилига 5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва 300 миллион долларлик экспорт имконияти пайдо бўлади.

Юқори Чирчиқ туманида 350 миллион доллар эвазига 69 гектар майдонда тўқимачилик саноат парки ташкил этилади. Бу мажмуада 20 дан ортиқ ип-калава, мато тўқиш ва бўяш, тайёр текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш изчил кўпайиб бормоқда. 2030 йилгача озиқ-овқат ишлаб чиқаришни 2 баробар, экспортини 5 баробар ва қўшилган қиймат даражасини 3 марта ошириш мақсад қилинган. Бунга эришишда, ҳеч шубҳасиз, Тошкент вилоятининг ҳиссаси катта.

Жумладан, Янгийўл туманида йилига 50 минг тонна минерал ўғит ва кимёвий воситалар, Қибрайда юқори сифатли экспортбоп озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш корхоналари ишга туширилмоқда.

Тошкент вилояти энергетика соҳаси ҳам катта салоҳиятга эга бўлиб, бу ерда 5,7 гигаваттли қувватлар мавжуд. Бу миқдорни ошириш мақсадида 1,5 миллиард долларлик 800 мегаваттдан ортиқ 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Яшил энергетикани ривожлантириш билан бирга, юртимизда энергетика тизими барқарорлигини сақлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Шунинг учун 2030 йилгача умумий қуввати 4 минг 100 мегаваттли электр энергиясини сақлаш тизимларини барпо этиш режалаштирилган.

Хитойнинг етакчи компаниялари иштирокида барпо этиладиган 3 та лойиҳа бунда муҳим ўрин тутади. Аввало, “China Datang” компанияси билан Бўка туманида қиймати 240 миллион долларлик қуёш электр станцияси барпо этилади. Бу станцияда йилига 576 миллион киловатт соат ёки 240 минг хонадон учун етарли электр энергияси олинади. Натижада вилоятда генерация қувватлари 6,5 гигаваттга, электр энергияси ишлаб чиқариш йилига 24 миллиард киловатт соатга етказилади.

Яна иккита лойиҳа – “China Energy Overseas Investment” компанияси билан ҳамкорликда Паркент ва Пискент туманларида қуриладиган 220 миллион долларлик, 200 мегаваттли энергия сақлаш тизимларидир. Улар куннинг тиғиз пайтларида узилишга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларни электр билан ишончли таъминлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда юртимизда 630 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 400 мегаваттдан ортиқ янги гидроэлектр станциялари барпо этилиб, уларнинг қуввати 2,2 гигаваттга етказилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки юртимизда 3 минг 280 мегаватт қувватга эга бўлган 44 та ГЭС қуриш имконияти мавжуд. Айниқса, Тошкент вилоятида гидроэнергетика бўйича жуда катта салоҳият бор.

Ҳозирда вилоятда умумий қуввати 1 минг 330 мегаватт бўлган 25 та гидроэлектр станцияси мавжуд. Бу республикамиздаги жами гидроэнергетика қувватининг 60 фоизига тенгдир.

Бугунги кунда қиймати 880 миллион доллар ва қуввати 340 мегаватт бўлган яна 4 та ГЭС қурилмоқда. Шунингдек, 2028 йилгача вилоятда умумий қуввати қарийб 2 минг 400 мегаватт бўлган, 4 миллиард 800 миллион долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилади.

Маросимда шундан иккитаси – Оҳангарон туманида барпо этилган 2,5 мегаваттли кичик ГЭС ҳамда Бўстонлиқ туманида қурилган 1,5 мегаваттли Угам кичик ГЭСи ишга туширилмоқда. Мазкур қувватлар йилига 18 миллион 400 минг киловатт соат “яшил” энергия ишлаб чиқаради ва 7 минг 600 та хонадонни электр энергияси билан таъминлайди.

Шавкат Мирзиёев юртимизга инвестиция киритаётган хорижий компанияларга миннатдорлик билдириб, ишларига муваффақият тилади.

Рамзий тугма босилиб, мазкур 9 та лойиҳанинг қурилиши ва фаолиятига старт берилди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллардир.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш кенгаймоқда

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Республика қурилиш материаллари соҳасида амалга оширилган ишлар, хусусан, маҳаллийлаштириш борасидаги чора-тадбирлар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси раҳбарияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**

Таъкидланишича, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида қурилиш материаллари соҳасида 32 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жумладан, 73 млн квадрат метр гипсокартон, 13,3 млн тонна цемент, 2,6 млн ўрам гулқоғоз, 36 млн квадрат метр керамик плитка, 34 млн квадрат метр қурилиш ойнаси ва 301 минг тонна қуруқ қурилиш аралашмаси каби материаллар ишлаб чиқарилди. 2024 йил январь-сентябрь ойларида соҳа корхоналари томонидан 1,5 млрд долларлик инвестиция ўзлаштирилган. Эътиборли томони шундаки, 658 млн долларлик 212 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 6 минг 24 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, 2024-2025 йилларда ҳудудларда умумий қиймати 4,5 млрд долларлик 529 та лойиҳа амалга оширилиш кўзда тутилган. Натижада 25 646 та янги иш ўрни яратилади. Шундан, 2024 йилда қиймати 1,1 млрд доллар бўлган 309 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Хусусан, Навоий вилоятида “National Ceramics” МЧЖ ХК, Қорақалпоғистон Республикасида “Qoraqalpoq Basaltwool” МЧЖ, Жиззах вилоятида “Stone Lider” МЧЖ томонидан ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Маълум қилинишича, қурилиш материаллари кенг ҳажмли, оғир вазнли эканлигидан келиб чиқиб, асосий экспорт бозорлари ҳисобланган қўшни давлатларга маҳсулот экспорти 8 баробарга оширилди. Латвия, Нидерландия, Бельгия каби янги истиқболли экспорт бозорлари ўзлаштирилди. Экспорт ҳажмини ошириш мақсадида, 9 та давлатда ташкил этилган кўргазма ва савдо форумларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштироки таъминланди. Озарбайжоннинг Боку шаҳрида “Ўзбекистон савдо уйи” фаолияти йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш борасида ҳам уюшма томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2024 йил январь-сентябрь ҳолатига кўра, 1,9 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Жумладан, 1 трлн сўмлик юқори маркали цемент, 270 млрд сўмлик гипсокартон, 261,5 млрд сўмлик қурилиш ойнаси, 219,1 млрд сўмлик керамика ва керамогранит маҳсулотлар махаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилди. Аммо тан олишимиз керакки, “Uzbuild” каби халқаро кўргазмаларда Ўзбекистон корхоналарининг иштироки ва улар томонидан ишлаб чиқарилган қурилиш хомашёларининг сони хорижий мамлакатларникидан сезиларли даражада кам.

Маҳаллийлаштиришни янада ривожлантириш ва миллий маҳсулотларимизни жаҳон майдонида бренд даражасига олиб чиқиш учун албатта, хорижий корхоналарнинг тажрибасини ўрганиш ҳамда кадр алмашиниш жараёнларини йўлга қўйиш муҳим қадамлардан биридир. Бу борада уюшма томонидан қандай лойиҳалар амалга оширилаётганини билиш мақсадида ташкилот масъулларига юзландик.

– Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда кадрларимизни Жанубий Кореяда грант асосида ўқитиш бўйича ишларни амалга оширяпмиз, – деди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқарма бошлиғи Меҳрож Ботиров. – Йил якунига қадар 94 нафар мутахассис мазкур давлатга янги билим ва тажриба тўплаш мақсадида жўнатилиши режалаштирилган. Шунингдек, яқинда бир гуруҳ ҳамкасбларимиз Чехия давлатида бўлиб қайтишди. Улар Чехиядаги лабораторияларда амалга оширилаётган ишларни ўрганишди. Лаборатория орқали биз маҳсулотларимизнинг сифатини яхшилашимиз мумкин. Бу эса экспорт ҳажмининг ошишига олиб келади. Чунки бир мамлакатга маҳсулот экспорт қилиш учун уларнинг талабларига жавоб бериш керак бўлади. Ана ундан кейин хорижий мамлакат хомашёни сотиб олади.

***Маълумот учун,*** *жорий йилнинг 9 ойида тармоқ корхоналари томонидан 610,4 млн доллар миқдорида қурилиш хомашёлари ва хизматлари экспорти амалга оширилиб, белгиланган режа 125,2 фоизга бажарилган.*



# Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги объектлар ўрганилди









**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Сирожиддин Эшқувватов Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, ҳудудда қурилаётган объектларни танқидий-таҳлилий ўрганди.**

Дастлаб Кегейли туманидаги “Актуба” ОФЙ, “Гужим” ОФЙ ҳамда “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектлари кўздан кечирилди. Аниқланган камчиликлар бўйича қурилиш ташкилоти вакилларига тегишли кўрсатмалар берилиб, таълим масканларини барпо этишдек масъулиятли вазифага эътибор билан ёндашиш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси буюртмасига кўра қурилаётган 300 ўринли янги мактаб биноси қурилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Сўнгра, Чимбой тумани “Кенес” ОФЙ ҳудудидаги 4-сонли умумтаълим мактаби учун қурилаётган янги спорт зали қурилиши ўрганилди. Ушбу объектда белгиланган талабларга мувофиқ иш олиб боришда сусткашликка йўл қўйилган. Инспекция раҳбари қурилишнинг ҳар бир жиҳатига эътибор қаратиб, бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан масъулларга кўрсатмалар бериб ўтди. Нукус шаҳридаги “Элбат” МФЙ ҳудудида буюртмачи “Nukus Downtown” МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой бинолари кўздан кечирилганда, қурилиш маданиятига амал қилинмаётганлиги ҳамда объект майдони чиқиндилардан тозаланмагани аниқланди. Инспекция раҳбари томонидан масъулларга тегишли топшириқлар берилиб, турар жой комплексида сифат назорати доимий олиб борилиши, бу бевосита аҳолининг хавфсиз ва қулай шароитларда истиқомат қилишига замин яратиши таъкидланди.

Ўрганиш ишлари Хоразм вилоятида давом этди. Хусусан, Урганч тумани “Ал-Хоразмий” мажмуаси ҳудудидаги “Янги Ўзбекситон” массивида амалга оширилаётган қурилиш ишлари сифати кўздан кечирилди. Комплекс ривожланиш тамойили асосида бунёд этилаётган ушбу массивда аҳолининг фаровон яшаши учун барча шарт-шароит муҳайё бўлади. Яъни, ҳудудда саноат лойиҳалари, хизмат кўрсатиш объектлари ва ижтимоий инфратузилма бир вақтда қурилади. Жараёнда инспекция раҳбари биринчи навбатда мутасаддилар ва қурилиш-пудрат ташкилоти вакиллари дуч келаётган муаммолар билан қизиқди. Объектда қурувчилар учун яратилган шароитлар кўздан кечирилиб, йўл қўйилаётган баъзи камчилик ва муаммоларнинг ечими бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, Урганч шаҳрининг “Тоза боғ” МФЙ 3-даҳаси ҳудудидаги 17- ва 28-уйларда куз-қиш мавсумига кўрилган тайёргарликлар кўздан кечирилганда, ҳали қилиниши керак бўлган бир қатор камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди. Хусусан, уйларнинг фасад қисми, кириш йўлаклари, ертўла, электр шитлари ҳали таъмирланмаган. Шунингдек, умумий эшиклар янгисига алмаштирилмаган. Аниқланган камчиликлар бўйича инспекция раҳбари масъулларга керакли топшириқларни белгилаб берди ва буларни тез кунларда бартараф этиш вазифаси юклатилди.

Инспекция раҳбари Урганч шаҳридаги пудратчи “Global trans qurilish montaj” МЧЖ томонидан реконструкция қилинаётган сув тақсимлаш иншооти объектини ҳам кўздан кечирди. Ушбу объект бўйича инспекция ходимлари томонидан 38 маротаба мониторинг ўтказилиб, аниқланган қоидабузарликлар бўйича 32 та ёзма кўрсатма берилган. 3 та ҳолатда қурилишнинг масъул ходимларига нисбатан маъмурий жарима чоралари қўлланилган. Сирожиддин Эшқувватов объектни кўздан кечирар экан, қурилиш-монтаж ишлари жуда суст олиб борилаётганлиги ҳамда ишчилар сони етарли эмаслигини таъкидлади. Пудратчи томонидан қурилиш объекти ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва шартнома шартларига амал қилинмаган. Шу боис, қурилиш объектини ўз вақтида фойдаланишга топшира олмаслик хавфи бор. Мазкур ҳолат бўйича инспекция ходимлари томонидан буюртмачига огоҳлантириш хатлари чиқарилган.

Бундан ташқари, масъуллар Хива шаҳрида барпо этилаётган туризм маркази қурилиши билан ҳам яқиндан танишдилар. Ушбу туризм марказида қадимий Хива қўша дарвозаси, музей, чодра ҳовли, ресторанлар ҳамда меҳмонхоналар қурилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, шарқ бозори, кинотеатр ва тўйхоналар ҳам шулар жумласидандир. Инспекция раҳбари қурилиш жараёнларини ўрганиш давомида сифат назорати энг биринчи ўринда эканлигини таъкидлади.

Ўрганиш ишлари давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**

## Олтинкўлда ички йўллар таъмирланмоқда

**Зиё СИРОЖ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугунги кунда ҳудудлар инфратузилмаси ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашда "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда.**



У туфайли ҳамюртларимизни қийнаб келаётган аксарият муаммолар ижобий ечим топяпти. Жумладан, Олтинкўл туманида ички йўлларни таъмирлаш бўйича умумий қиймати 12 миллиард 180 миллион сўм бўлган 8 та лойиҳа амалга ошириляпти.

– Маҳалламизнинг ички йўли таъмирталаб ҳолатга келиб қолганди, – деди "Иттифоқ" МФЙда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Оятилло Алиохунов. – "Ташаббусли бюджет" танловида қатнашиб, 1 миллиард 360 миллион сўм ютдик. Бугунги кунда ушбу маблағ ҳисобига кўчаларимизни асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда. Узоқ йиллик муаммоимиз ижобий ечим топаётганидан хурсандмиз.

Олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари якунлангач, тумандаги ички йўлнинг 25 километр қисми асфальтланади. Бу эса 30 минг нафардан зиёд аҳолининг турмуш шароити яхшиланишига сабаб бўлади. Минг нафардан зиёд аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди.

Асака туманидаги "Эргашобод" МФЙ адирликда жойлашган. Бу эса айрим муаммоларга ҳам сабаб бўлаётганди. Айниқса, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда қийинчиликлар мавжуд эди. Ҳудудлар инфратузилмасини шакллантириш доирасидаги ишлар бу каби муаммоларнинг ижобий ечимини таъминлашга сабаб бўлмоқда.

– Бу манзилга кўчиб келганимизга 30 йилдан ошди, – деди уй бекаси Санобархон Лутфиева. – Маҳалламиз адирликда жойлашганлиги сабабли айрим муаммоларга дуч келардик. Бугун шароитларимиз анча яхшиланмоқда. Айниқса, тоза ичимлик суви билан таъминланаётганимиз қувонарли бўлди. Сабаби, шу пайтгача сувни пулга сотиб олар эдик. Энди бўлса, ҳар бир хонадонга сув жўмраклари олиб кириляпти.

Шунингдек, Асака тумани Андижон вилоятидаги ичимлик суви таъминоти мураккаб бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Айниқса, Эргашобод маҳалласида ушбу муаммони бартараф этишнинг ўзига хос қийинчиликлари мужассам. Шундай бўлсада, маҳалладошларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар доирасида 7,4 километр масофага қувур тортиш, 2 та сув минорасини ўрнатиш ва 1 та сув тўплаш ҳовузини барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида 6 минг нафардан зиёд истеъмолчига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, 220 та хонадонда яшовчи 1100 нафар аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда.

Шу билан бирга, электр энергияси, табиий газ ва йўл билан боғлиқ муаммолар ҳам ўз ечимини топмоқда. Бир сўз билан айтганда, олис ҳудуддаги ушбу маҳалла вилоятдаги энг намунали манзиллардан бирига айланяпти.

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**

# ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛАДИ



**Панжи ТАНГРИЕВ,** Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

**Янги Ўзбекистоннинг янгича тараққиёт одимлари кўҳна Сурхон воҳасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Буни бугунги кунда вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида қад ростлаган муҳташам ва замонавий иморатлар мисолида ҳам кўриш қийин эмас. Жорий йилда ҳам меҳнаткаш Сурхон халқи ва қўли гул қурувчилар шижоати туфайли қатор иншоотлар барпо этилмоқда.**

Хусусан, Инвестиция дастури ижроси доирасида 2024 йилда Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги 404-сонли қарорига мувофиқ кўплаб муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Умумий ҳисобда 304 та объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари режалаштирилган бўлиб, шундан, 146 таси йилдан-йилга ўтувчи, 158 таси янгидан бошланувчи объектлар ҳисобланади. Жорий йилда 232 та объектни фойдаланишга топшириш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар иншоотлар режа асосида ўз муддатида фойдаланишга топширилмоқда.

Бундан ташқари, айни пайтда Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси томонидан 83 та объект, шу жумладан, 59 та умумтаълим мактаби ва 24 та мактабгача таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. 82 та объектда бош пудратчи аниқланиб, режага кўра қурилиш ишлари ўз муддатида бажарилмоқда. Вилоятимиздаги бунёдкорлик ишлари ҳақида гап кетганда, албатта, "Янги Ўзбекистон" массивларида бунёд этилаётган шинам ва кўркам турар жойлар ва ижтимоий соҳа объектларига тўхталиш жоиз. Бу каби турар жойлар уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда ҳам кўплаб қурилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг тегишли Фармонига мувофиқ, бу йил "Янги Ўзбекистон" массивлари ва бошқа ҳудудларда жами 8000 хонадонли 182 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. 2024 йилнинг 9 ойи давомида 2980 хонадонли 66 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Шундан, 734 хонадонли 29 та уй-жой "Янги Ўзбекистон" массивларида, қолган 2246 хонадонли 37 та уй-жой эса уй-жойларга талаб юқори бўлган бошқа массивларда барпо этилди.



Аҳолига янада қулай шароит яратиш мақсадида янги қурилаётган массивларда турар жойлар билан бирга автомобиль йўллари ва ичимлик сув тармоқлари бўйича ҳам катта ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, жорий йилда 12,4 километр автомобиль йўллари қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 11,6 километр йўл барпо этилди. Ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари бўйича 56 километр узунликдаги тармоқлар тортилиб, 10 та иншоот қурилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Сурхондарё вилоятида бу йил давлат дастурлари ва инфратузилмани ривожлантириш доирасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоятимизда 5226 та хонадонли янги уй-жой, 113 та ижтимоий аҳамиятга эга муассаса, жумладан, мактаблар, боғчалар ва шифохоналар қурилиб, фойдаланишга топширилгани юқоридаги фикримизнинг далилидир. Шунингдек, янги йўллар, кўприклар ҳамда ичимлик суви тизимларини яхшилаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Қурилиш ва инфратузилма соҳасидаги бундай катта ҳажмдаги ишлар, албатта, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда. Масалан, янги қурилган уй-жойлар ва ижтимоий объектлар аҳолига қулай шарт-шароит яратмоқда. Шунингдек, йўллар ва кўприкларнинг қурилиши транспорт тизимини яхшилаб, иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ёрдам беради. Сув таъминоти тизимининг модернизация қилиниши эса аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжларини қондириб, турмуш сифатини янада оширишга хизмат қиляпти.

Бир сўз билан айтганда, биргина жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш ишлари натижасида Сурхондарё вилояти аҳолиси учун янги имкониятлар очилади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**

## Оилавий поликлиника реконструкция қилинди

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизматини янада ривожлантириш, тиббиёт ходимлари ва аҳоли вакиллари учун муносиб шарт-шароит яратиш, намунали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини яхши йўлга қуйиш мақсадида Сирдарё туманининг "Интилиш" МФЙ ҳудудида жойлашган 29-сонли оилавий поликлиника биноси реконструкция қилинди.**



Бунинг учун "Ташаббусли бюджет"дан 900 млн сўм йўналтирилди. Реконструкция ишларини маҳаллий қурувчилар амалга оширишди. Мазкур муассаса биноси реконструкциядан олдин анча таъмирталаб бўлиб, тиббиёт ходимлари ва соғлиқ билан боғлиқ муаммоси бор аҳоли вакиллари учун ноқулайлик туғдираётган эди.

Фойдаланишга топширилган оилавий поликлинка биноси тумандаги "Илғор", "Интилиш" ва "Оқ йўл" МФЙлари ва у ерда истиқомат қилаётган 8 488 нафар аҳолига хизмат қилмоқда. Бинодаги барча хоналар ёруғ, шинам кўринишга келтирилиб, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар янгисига алмаштирилди ҳамда зарур тиббий аппаратлар келтирилди.

Бинонинг очилишига бағишланган тадбирдан сўнг, шу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. Унда туман тиббиёт бирлашмасининг дерматолог, уролог, отоларинголог, терапевт, болалар неврологи, УТТ шифокори, офтальмолог, гинеколог, кардиолог, травматолог-ортопед ва жарроҳ, вилоят даволаш профилактика муассасаларининг офтальмолог, невропатолог, эндокринолог, кардиолог ҳамда педиатр каби тор доирадаги мутахассислари ҳам иштирок этдилар.

## Маҳаллаларнинг йўллари асфальт қилинмоқда

**Аҳолига қулайлик яратиш, ҳудудларда йўл инфратузилмаси билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида Боёвут туманидаги қатор маҳаллаларнинг ички кўчалари асфальт қилинмоқда.**



Хусусан, Маънавият маҳалласидаги Қўшқанд, Ўзбекистон, Камарбаста кўчаларининг 2 200 метр, Навбаҳор маҳалласидаги Кўктерак кўчасининг 800 метр ҳамда Маданият маҳалласидаги Сайхун кўчасининг 600 метр масофадаги ички йўлларига асфальт қопламаси ётқизилди.

Тез орада туманнинг Муқимий, Бекат, Анорзор, Озодлик ҳамда С. Айний маҳаллаларининг ички кўчалари ҳам асфальт қилиниши режалаштирилмоқда.

## Маҳаллалар янги бинода




**Боёвут туманидаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Сирдарё вилояти прокурори Савид Иматов, туман ҳокими Дилфуза Уралова, сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллар иштирокида маҳалланинг янги биноси очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўзга чиққанлар жойларда маҳалла институтининг аҳоли ҳаётидаги ўрнини ошириш ва уларни моддий-техник томондан қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг кўламли islоҳотлар ҳақида таъкидлаб ўтдилар. Янги, замонавий бинода "маҳалла еттилиги" вакиллари самарали иш олиб бориши учун барча шароитлар яратилган.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**

## Қизилтепаликларнинг қувончи чексиз

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Навоий вилоятида ҳам қай манзилга йўл олсангиз, ана шундай яратувчанликка гувоҳ бўласиз, кишилар юз-кўзида бахтиёрлик ҳиссини сезасиз. Мана шундай қувончли кунларда вилоятнинг ҳар бир гўшасида қад ростлаётган янги бинолар, ижтимоий объектларнинг очилиш маросимлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.**



Тўйга тўёна, деганларидек вилоятнинг Қизилтепа туманида ҳам Президентимиз ташаббуси билан 2022 йилдан бошлаб қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массивидаги 200 хонадонга мўлжалланган 8 та 5 қаватли уй фойдаланишга топширилди.

– 20 гектар майдонда қад ростлаётган массивда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 24,7 миллиард сўмга зарур коммуникация тармоқлари тортилди, – деди Маликобод маҳалласи раиси Тўлқин Қурбонов. – Ўтган икки йил ичида бу ерда ичимлик ва оқова суви тармоқлари, иссиқлик таъминоти объектлари қурилди. Ички йўллар асфальтланди. Электр ва табиий газ тармоғи тортилди. Келгуси йилларда бу ерда яна жами 1500 дан ортиқ хонадондан иборат 50 га яқин кўп қаватли уй, 990 ўринли мактаб, дам олиш масканлари, маҳалла гузари, спорт майдончалари, маданият уйи, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказлари бунёд этилади.

– Байрам арафасида янги уйга кўчиб кирдик, – деди янги хонадон соҳибаси Дилбар Ортиқова. – Бу ерда яхши яшаш учун барча қулайлик ва шароит мавжуд. Иссиқ ва совуқ сув, табиий газ – барчаси муҳайё. Ишдан чарчаб келганда, оила аъзоларинг учун барча шароити бор ошхонада овқат тайёрлашнинг ўзиёқ чарчоқларни унутишга ёрдам беради. Бунинг учун Юртбошимизга раҳмат.

Массивда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 4,8 миллиард сўмлик 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ва 2,3 миллиард сўмлик 50 қатновли поликлиника биноси қурилиб, жиҳозланди. Шунингдек, тумандаги Сўфиён маҳалласининг янги биноси, "Уч авлод маскани", сунъий қопламали спорт майдончаси ва воркаут майдончаси, 2 та давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам фойдаланишга топширилди.

Шу куни "Янги Ўзбекистон" массивида янги уйларга кўчиб келган аҳолига муносиб шароит яратиш мақсадида 2,3 миллиард сўм эвазига 50 қатновли поликлиника ҳам ишга тушди. Вилоят ва туман масъуллари иштирокида рамзий ленталар кесилиб, тадбир иштирокчилари янги қурилган 43-оилавий поликлиникада аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида яратилган шарт-шароитлар билан танишишди.



# БУВАЙДАДА ҚУРИЛИШЛАР АВЖИДА

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,** журналист.

**Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари сингари Бувайда туманида ҳам йилдан-йилга аҳоли кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида янги турар жойларга бўлган талабни вужудга келтиради. Давлатимиз томонидан мазкур масалага катта эътибор қаратилаётгани ҳамда қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг кескин ривож топиб бораётгани ҳудудларда замонавий ва кўркам янги турар жой массивлари бунёд бўлишига замина яратмоқда.**





Юртдошларимизнинг ана шундай ширин ташвишларини қувончли кунларга айлантираётган тумандаги юздан ортиқ қурилиш ташкилоти вазифалари билан боғлиқ ишларни сифатли ва ўз вақтида бажармоқда. Пировард натижада, нафақат туман маркази, балки қишлоқ ва маҳаллалар ҳам гўзал қиёфа касб этмоқда. Кўп қаватли турар жой бинолари қурилиб, уй-жойга эҳтиёжи бор фуқароларга бериляпти. Шу билан бирга, тадбиркорликни ривожлантириш асносида жойларда кичик саноат зоналари ташкил қилиниб, аҳоли эҳтиёжидаги сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани қувонарли, албатта.

Бугунги кунда туманнинг турли ҳудудларида бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Хусусан, “Янгиқўрғон” ҳамда “Додхоҳ” МФЙларда 1 та 7 қаватли, 700 хонадонли 4 та комплекс ҳамда 2 та кўп қаватли турар жой бинолари барпо этиляпти. Қурилиш ишлари “Призма деволетмент КО” фирмаси жамоаси томонидан бажарилмоқда. Жамоа йил охиригача 2 та кўп қаватли ва барча қулайликларга эга уйларда қурилиш ишларини тугатиб, фойдаланишга топшириш мақсадида фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

Эътиборли томони, туман қурувчилари бунёд этилаётган барча объектларда сифатли ва арзон маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишмоқда. Жумладан, цемент Бешариқ ва Ўзбекистон туманидан, шағал Наманган вилоятидаги карьердан олиб келиняпти.

Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2025 йилги режага кўра, “Янгиқўрғон” МФЙдаги Обод ҳаёт кўчасида 2 та 5 қаватли уй-жой қурилади. Ҳозирги кунда объектни лойиҳалаш ишлари якунланиб, қурилиш ишлари бошланиш арафасида. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида турар жой биноси қурилиши учун муҳандислик коммуникация инфратузилмасига эга, канализация, электр ва сув қулай жой танланган. Бино қурилиши билан ҳудудда аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам ишга туширилади.

– Ўрта Қўнғирот маҳалласида яшовчи фуқаролар азалдан мебелчилик билан шуғулланиб келади, – деди Бувайда тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Абдурасул Юсупов. – Юртбошимизнинг Фарғона вилоятига қилган ташрифида билдирган фикр ва таклифлари асосида тадбиркорларга етарли даражада имконият ва шароит яратиб бериш мақсадида қишлоқда мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зонаси учун алоҳида ер майдони ажратиб берилди. Эндиликда бу ерда 200 нафардан ортиқ ҳунарманд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Яъни, чинор, ёнғоқ, ўрик, тут каби дарахтлардан ёғоч ўймакорлиги усулида турли шакл ва русумдаги харидоргир эшик, деразa, стол-стул, хонтахта, дарвоза, сўри ва бошқа буюмлар тайёрланяпти.

“Бештерак” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳоли эса темирчилик билан шуғулланади. Ҳозирги кунда бу ерда тадбиркорлар эшик, дарвоза, курак, теша, кетмон, болта, стол-стул дейсизми, хуллас, темирдан ясаладиган буюм борки, ишлаб чиқариляпти. Эътиборлиси, харидорлар хоҳлагандек, дидига мос буюртмаларни усталар уларнинг кўнглидагидай қилиб тайёрлаб беришмоқда. Тадбиркорларга қулай меҳнат шароити яратиш мақсадида маҳалла ҳудудида 6 гектар 70 сотих жойда темирчиликка ихтисослаштирилган кичик саноат зонаси учун ер майдони ажратилди. Ҳозирги кунда бу ерда “Қурувчи бунёдкор дизайн 2020” МЧЖ томонидан қурилиш ишлари жадал олиб боriляпти. Йил охиригача қурилиш ишлари тугаллангач, ҳар бир тадбиркорга лотларга бўлинган ерлардан 3-4 сотихдан ажратиб берилади. Яна бир эътиборли томони шундаки, тадбиркорлар хоҳиш ва ихтиёрига қараб қўшимча лотлар олиши мумкин. Саноат зонасининг олд тарафида темирчиликка оид тайёр маҳсулотлар билан савдо қилувчи комплекс ҳам жойлашади.

Бугунги кунда туманда ўндан ортиқ ғишт заводи фаолият юритмоқда. Яқинда уларнинг сафига “Буюк ипак йўли” МФЙда фаолият бошлаган янги ғишт заводи ҳам қўшилди. Бундан ташқари, 2 та бетон заводи томонидан қурувчиларга сифатли маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Бунинг натижасида объектлардаги ишлар бир маромда давом этяпти.

Бувайдалик қўли гул қурувчилар орасида касбидан бахт топган бунёдкорлар кўп. Улардан бири – Янгиқўрғон қишлоғида яшовчи Абдупатто Мирзаевдир. У киши қарийб 20 йилдан буён қурилиш соҳасида ишлаб кам бўлмади. Жамоада катта ҳурматга сазовор, ҳамма уни “устоз” деб ҳурмат қилади. Баъзан олий маълумотли мутахассислар ҳам устоздан маслаҳат олиб туришади. Бугунги кунда Абдупатто ака шогирдлари билан биргаликда қурилиш-бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиб келмоқда. Айни кунларда Қўрғонча қишлоғидаги 6-сонли умумтаълим мактабига қўшимча 420 ўринли йўлдош бино қурилишида уста ва шогирдлар фидойилик билан меҳнат қилишмоқда.

– Туман марказига туташ Янгиқўрғон қишлоғида марказий шифохонага қарашли 4 қаватли замонавий поликлиника биноси қурилишини тугатиш арафасидамиз, – деди “Фарғона бунёдкор қурилиш” масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Акмал Маматхонов. – Шу йилнинг июнь ойида қурилишни бошлаган эдик. Ҳозир замонавий кўриниш касб этган мазкур бинода пардозлаш ишларини олиб боряпмиз. Шу ойни охиригача бинони фойдаланишга топшириш учун 70 нафар қурувчи бор куч ва имкониятини ишга солмоқда. Кўпинча одамларнинг қўлларини кўксига қўйиб, “Қўлинг дард кўрмасин, отангга балли, қурувчи” деган сўзларини эшитсам, қалбим ғурурга, ифтихорга тўлади. Биз қураётган замонавий ва миллийликни ўзида акс эттирган бинолар кимгадир наф келтирса, уларни бахтиёр қилса, биз учун бундан ортиқ бахт йўқ. Шундай пайтда улуғ касб соҳиби эканимдан фахрланиб кетаман.

Мафтункор Фарғонанинг сўлим манзилларидан бўлмиш Бувайда ҳам кенг кўламдаги бунёдкорликлар туфайли янада кўркам қиёфага кирмоқда. Муҳими, бу ўзгаришу янгиланишлар нафақат ҳудудлар қиёфаси, балки бувайдалик юртдошларимиз турмуш тарзида ҳам ўз аксини топаётгани қувонарли.

## Мулк қадрига етган мулкдор бўлади

**Зафар АҲМЕДОВ,** Амударё тумани ФВБ бошлиғи, майор.

**Кўп қаватли турар жойлар бошқарув компаниялари ихтиёрига ўтгандан сўнг аҳолининг тўпланиб қолган кўплаб муаммолари ўз ўрнида ҳал этилмоқда. Жумладан, бинолар тўлиқ таъмирланиб, уйлар атрофи ободонлаштириляпти. Ноқонуний қурилмалар олиб ташланиб, улар ўрнида спорт майдончалари, мономарказлар бунёд этилиб, ёшларга турли касблар ўргатиляпти. Шунингдек, ертўлаларда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, оқова ҳамда ичимлик суви тармоқлари тўла янгиланмоқда.**

Халқимиз “Мулк қадрига етган, мулкдор бўлади”, деб бежизга айтмайди. Айни пайтда шундай шароитлардан самарали фойдаланаётган юртдошларимиз мулкдорлик масъулиятини ҳис қилиб, ҳудудларни ободонлаштириш ва турли хил кўчатлар экиб, уй-жойлар атрофини янада гўзаллаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бироқ яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш ўрнига хонадонларни иситиш мақсадида электр энергияси ҳамда газ қурилмаларидан ноқонуний фойдаланиб, ўзи ва атрофдагилар ҳаётига жиддий хавф солаётганлар ҳам учраб тургани ачинарли ҳолдир.

Бу сингари ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими ҳамда туман Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари ҳамкорликда кўп қаватли уйлар, ижтимоий объектларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлигини ўрганишмоқда. Кези келганда айтиш жоизки, туман ҳудудида бунёд этилаётган замонавий турар жойлар қаторида эски фонддаги уй-жойлар ҳам кўп. Уларнинг барчаси бошқарув компанияларининг саъй-ҳаракати билан босқичма-босқич замон талабларига мослаштирилмоқда.

Шунга қарамасдан, текширувлар натижасида еттита кўп қаватли уйнинг йигирмага яқин хонадонидан қўлбола печлар, газга уланган ноқонуний қурилмалар олиб қўйилиб, уй эгалари огоҳлантирилди. Шунингдек, таҳлиллар давомида янги қурилган ва қурилаётган кўп қаватли турар жойларда талабга мутлақо жавоб бермайдиган симлардан фойдаланган ҳолда ўзбошимчалик билан электр симларини улаб олиш ҳолатлари ҳам кузатилди.

Ҳамкорликда ўтказилаётган ўрганишлар натижасида аниқланган ҳар бир масала туман ҳокимлигида кўриб чиқилиб, тегишли чоралар кўриляпти. Бу бўйича бошқарув компаниялари ва мутасадди ташкилотлар масъулияти янада оширилмоқда. Хусусан, ўтган мавсумда кўп қаватли уйларда яшовчи хонадон эгаси тегишли тартибларга амал қилмасдан газ тизимига ўзбошимчалик билан уланиб олгани оқибатида ёнғин чиқиб, ён қўшниларга ҳам жиддий зарар етказгани учун амалдаги қонун доирасида жавобгарликка тортилди.

Бундай кўнгилсиз ҳолатлар қайта такрорланмаслиги учун ҳамкорликда ўтказилаётган ўрганишлар давомида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ муборак бўлсин!

### 2024 йил октябрь ойининг 15-17 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Қурилиш соҳасида тендер, рейтинг ва буюртмачи тизимини методологик таъминлаш бўлими бошлиғи **Даврон Мелиев,**

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Аҳаджон Аҳмаджанов,** Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи **Дилмуҳаммад Абдугамитов,**

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти Нархларни шакллантириш бошқармаси бошлиғи **Ўктам Абдураҳмонов,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АСС-2 гуруҳ раҳбари **Равшан Шоисхаков,** катта архитектор **Илюза Музафалова,**

“O‘zshaharsozlik LITI” бош лойиҳа институти ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устахонаси техниги **Отабек Ҳасанов,** Йўл ва ҳудудларни муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи **Қаҳрамон Зайнутдинов,**

“Иссиқлик манбаи” ДУК Андижон вилояти филиали Режа-техник бўлими бошлиғи **Адил Исмоилов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бош ҳисобчиси **Елена Кондратенко,** юрисконсульт **Умеджон Сафоев,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи мутахассиси **Азиз Рўзанов,** ҳайдовчи **Бахтиёр Элмуратов,**

Намаган вилояти, Поп тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Сарвар Рўзматов,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Самарқанд вилояти филиали етакчи мутахассиси **Баҳодир Абдукаримов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси иш юритувчиси **Бобирбек Рустамов,**

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлим бошлиғи **Фахриддин Абдулатипов,**

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги “Юксак орзу барака” БСК МЧЖ бош директори **Шерзодбек Юлдашев,**

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги “Обод Бунёдкор прогресс” БСК МЧЖ бош директори **Ҳайитбой Суюнов,**

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги “Farangiz-Bilol-Servis” БСК МЧЖ бош директори **Тўлқин Бобомуродов,** Термиз шаҳридаги “Termez-Farovon-Servis” БСК МЧЖ бош директори **Баҳодир Маматмуродов,**

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги “We Will Work” БСК МЧЖ бош директори **Ғайрат (Сайфулла) Абдусаматов,** Мирзо Улуғбек туманидаги “Al-Farobiy Kommunal” БСК МЧЖ бош директори **Бешим Джанмурадов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1041.
1492 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** –
Р. Хўжаева.
**Навбатчи** –
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 21.35.
Топширилди – 22.35.

1 2 3 4 5 6